

## СОЛИҚ МАЪМУРИЯТЧИЛИГИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Лазизбек Азамжонович МАМАЖОНОВ

ассистент

Андижон иқтисодиёт ва қурилиш институти  
Андижон, Ўзбекистон

### Аннотация

Мақолада солиқ маъмуриятчилигининг иқтисодий моҳияти, унинг самарадорлигини аниқлаш бўйича маҳаллий ва хорижий олимларнинг турли қарашлари назарий жиҳатдан ўрганилган, Ўзбекистон Республикасида солиқ маъмуриятчилигининг самарадорлигини оширишга қаратилган таклифлар ишлаб чиқилган.

**Таянч сўзлар:** солиқ маъмуриятчилиги, солиқ юки, солиқ назорати, Лаффер эгри чизиғи, солиқлар ва йиғимлар тизими, солиқ тушумлари, солиқ объектлари, солиқ ставкалари, солиқ, бюджет, солиқ имтиёзлари.

## ВОПРОСЫ ПОВЫШЕНИЯ ЭФФЕКТИВНОСТИ НАЛОГОВОГО АДМИНИСТРИРОВАНИЯ

Лазизбек Азамжонович МАМАЖОНОВ

ассистент

Андижанский институт экономики и строительства  
Андижан, Узбекистан

### Аннотация

В статье теоретически изучена экономическая природа налогового администрирования, различные взгляды отечественных и зарубежных ученых на определение эффективности налогового администрирования, разработаны предложения, направленные на повышение эффективности налогового администрирования в Республике Узбекистан.

**Ключевые слова:** налоговое администрирование, налоговое бремя, налоговый контроль, кривая Лаффера, система налогов и сборов, налоговые поступления, объекты налогообложения, налоговые ставки, налог, бюджет, налоговые льготы.

2023 йил 30 апрелда ўтказилган референдумда умумхалқ овоз бериш орқали Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Конституцияси қабул қилинганлиги Янги Ўзбекистонни барпо этишнинг конституциявий асосларини мустақамлашга хизмат қилмоқда.

Янги таҳрирдаги Конституцияга мувофиқ ўтказилган президентлик сайлови яна бир бор жамиятимизнинг сиёсий етуклиги, Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида амалга оширилаётган ислохотларни халқимиз тўлиқ қўллаб-қувватлаганидан далолат бермоқда.

Шу билан бирга, янгиланган конституциявий-ҳуқуқий шароитларда мамлакатимиз тараққиётининг асосий йўналишларини такомиллаштириш ва амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларни янги босқичга олиб чиқиш талаб этилмоқда.

Халқимизнинг эркин ва фаровон, қудратли давлат барпо этиш бўйича хоҳиш-иродасини рўёбга чиқариш, ҳар бир фуқарога ўз салоҳиятини ривожлантириш учун барча имкониятларни яратиш, соғлом, билимли ва маънавий баркамол авлодни тарбиялаш, глобал ишлаб чиқаришнинг муҳим бўғинига айланган кучли иқтисодиётни шакллантириш, адолат, қонун устуворлиги, хавфсизлик ва барқарорликни кафолатли таъминлаш мақсадида бир қатор вазифалар белгилаб берилди.

Фаолияти бозор иқтисодиёти қонунларига асосланган ҳар қандай мамлакат салоҳияти учун солиқларнинг муҳим ўрин тутиши шубҳасиздир.

Мамлакатимиз раҳбари солиқ идоралари олдига солиқ қонунчилигини содаллаштириш, солиқ тўловчиларнинг ҳимояси ва ҳуқуқларини кучайтиришга қаратилган шароитларни яратиш, шунингдек “Солиқчи-тадбиркорга кўмакчи” тамойилини тўлиқ жорий қилиш орқали солиқ тушумларини ошириш бўйича бир қатор вазифаларни белгилаб берди.

Бундай солиқ сиёсатининг амалга оширилиши солиқ идораси ходимлари олдига муҳим вазифаларни қўяди, улардан бири солиқ маъмуриятчилиги самарадорлигини оширишдир.

Солиқ маъмуриятчилиги самарадорлигини ошириш борасидаги асосий муаммо хўжалик субъектлари ва фискал тизимнинг молиявий ва иқтисодий манфаатларининг фарқли йўналишидадир.

Шу сабабли, кўплаб мамлакатлар, шу жумладан республикамизда ҳам солиқ маъмуриятчилиги жараёнларини оптималлаштиришда қийинчиликларга дуч келинмоқда.

Яъни, хўжалик юритувчи субъектлар томонидан солиқ қонунчилигига риоя қилмаслик ҳолатлари нисбатан юқори.

Шу боис солиқ маъмуриятчилигидаги муаммоларни ўрганиш, солиқ маъмуриятчилиги самарадорлигини оширишга қаратилган таклифлар ишлаб чиқиш зарур деб ҳисоблаймиз.

Мамлакатимиз ҳамда хорижий давлатлар адабиётларида солиқ маъмуриятчилигига турлича таърифлар берилган.

И.Б.Романова солиқ маъмуриятчилигини Давлатдаги солиқ муносабатларини назорат қилиш тизими, барча даражадаги солиқ органларининг қонунчилик асосидаги фаолияти деб изоҳлайди [1].

О.А.Ногина солиқ маъмуриятчилигини барча солиқларни минимал харажатлар билан максимал даражада тўлиқ ва ўз вақтида тўланишига қаратилган чора-тадбирлар мажмуи деб таъкидлаган [2].

Л.Я.Абрамчик солиқ органларининг солиқ тўловчилар томонидан солиқлар, йиғимлар ва бюджетга бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида ва тўлиқ тўланишини таъминлаш бўйича фаолиятни мазмунли тавсифловчи солиқ соҳасидаги ягона бошқарув механизми деб баҳолаган [3].

И.А.Перенко солиқ муносабатларини давлат томонидан бошқариш тизими, солиқ муносабатлари солиқ маъмуриятчилигининг предмети ҳисобланади, деб таърифлаган [4].

Шунингдек, республикамизда солиқ маъмуриятчилиги масалалари Т.Маликов, Б.Ибрагимов, Ф.Бабаев, Ж.Абдуллаев, И.Эргашевлар томонидан ўрганиб чиқилган.

Мазкур матнда таҳлилнинг анализ ва синтез, индукция ва дедукция каби анъанавий усуллардан фойдаланилган, солиқ маъмуриятчилиги самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Маълумки, солиққа тортиш жараёнидаги давлат ва солиқ тўловчи ўртасидаги ҳуқуқий муносабатларнинг функционал намоён бўлиши илмий шархлашда солиқнинг дуализми деб аниқланган.

Бюджетнинг асосий даромад манбаи солиқ тушумлари бўлганда, юқори даромадли хўжалик субъектларига солинадиган солиқ ортиб боради. Бу эса уларнинг даромадларига таъсир кўрсатмай қолмайди. Ва бундай солиқ

тўловчилар солиқ мажбуриятларини камайтиришга интиладилар. Солиқ тўловчиларнинг бундай реакциясини Калифорния университети профессори А.Лаффер исботлаб берган.

Бундай ҳолда солиқларнинг давлат бюджети ва хўжалик субъектлари ўртасида посанги вазифасини бажариш функцияси номоён бўлади.

Солиқ юкини енгиллаштириш ва солиқларнинг ижтимоий химоя характерини ошириш юзасидан Ўзбекистонда мунтазам равишда ижобий ишлар амалга ошириб борилмоқда. Хусусан, олиб борилаётган солиқ ислохотлари натижасида бугунги кунда фаолият кўрсатаётган корхоналар солиқларни жуда паст ставкаларда қуйидагича тўлашлари белгиланган.

- ҚҚС – 12% (жаҳондаги энг паст ставкалардан бири);
- фойда солиғи – 15% (жаҳондаги энг паст ставкалардан бири);
- ЖШДС – 12% (ягона ва жаҳондаги энг паст ставкалардан бири);
- ижтимоий солиқ – 12% (жаҳондаги энг паст ставкалардан бири);
- мол-мулк солиғи – 1,5% (жаҳондаги энг паст ставкалардан бири);

Солиқ ставкаларини пасайтирган ҳолда солиқ тушумларини оширишда солиқ маданиятини юксалтириш, солиқ нормативларини соддалаштириш, солиқ маъмурчилиги жараёнларини автоматлаштирилишини такомиллаштириш яхши натижа бериши мумкин.

Ўтказилган тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатмоқдаки, Давлат солиқ хизмати органлари томонидан олиб борилаётган назорат тадбирлари натижасида хўжалик юритувчи субъектларнинг солиқларни қасддан яшириш ҳолатлари йилдан-йилга камайиб бормоқда. Лекин шунга қарамай, юқори аҳамият касб этмайдиган ҳуқуқбузарликлар сони ортган.

Бунда солиқ соҳасидаги ҳуқуқбузарликларга йўл қўйилишининг асосий сабаблари қуйидагилардан иборат:

- солиқ тўловчиларнинг солиқ қонунларини мукаммал билмаслиги;
- бюджет ва корхона ўртасидаги муносабатлар таҳлили ташкил этилмаганлиги;
- корхонада иқтисодий таҳлил ишлари йўқлиги.

Солиқ тўловчилар томонидан солиқларни ҳисоблашда хатоликларга йўл қўйилаётганлиги оқибатида улар катта миқдорда молиявий жарима тўлаб, иқтисодий қийинчиликка дуч келмоқда.

Бу ҳолатлар ҳар бир корхонада (айниқса, йирик солиқ тўловчи корхоналарда) ички солиқ назорати тизимини ўрнатишни тақозо қилади. Бу тизимнинг вазифаси солиқ мажбуриятларининг бажарилишида иложи борича солиқ хатолари юзага келишининг олдини олишга қаратилган.

Корхонада ташкил этилган солиқ назорати солиқ хатоларини салмоқли даражада камайтиради ва бу билан солиқ органлари томонидан амалга ошириладиган солиқ текширувлари пайтида қўлланиладиган молиявий жарималар сонини камайтиради.

Солиқ маъмуриятчилиги самарадорлигини оширишда асосий вазифалардан бири даромадларни яшириш ҳолларига чек қўйишдир.

Ушбу масалаларни ўрганиш ҳамда ҳудудлардаги тадбиркорларнинг солиқ маъмуриятчилиги билан боғлиқ муаммоларини ўрганиш ва жойида ҳал қилиш бўйича янги тизимни жорий қилиш мақсадида республиканинг 14 та ҳудудида 14 та туман ва шаҳарларда солиқ тизимини маҳалла даражасигача тушириш тажрибаси амалга оширилди.

Солиқ базасини кенгайтириш, тадбиркорлик фаолиятини қонунийлаштиришга ҳамда ўзини ўзи банд қилганларга кичик бизнес тоифасига ўтишга қўмаклашиш бўйича ҳар бир маҳаллага солиқ инспектори бириктирилиши белгиланди.

Солиқ маъмуриятчилиги самарадорлигини ошириш, даромадларни яшириш ҳолларига чек қўйишнинг олдини олишда, солиқ тизимини маҳалла даражасигача тушириш ўз ижобий натижасини бериши мумкин.

Солиқ органлари ходимларини маҳаллага бириктириш ҳисобига қўйидаги натижаларга эришилади.

– тадбиркорлик субъектларининг тўлиқ ҳисобга олинishi, фаолияти қонунийлаштирилиши, уларга қулай шароитлар яратилиши;

– норасмий фаолият легаллашиши;

- тадбиркорлик фаолияти йириклашиши;
- бўш турган ва фойдаланилмаётган ер участкалари, бино-иншоотларда тадбиркорлик фаолиятининг йўлга қўйилиши;
- аҳоли бандлиги таъминланиши;
- солиқ солиш базаси кенгайиши, қўшимча манбалар аниқланиши, бюджет даромадлари кўпайиши;
- паст қувватда ишлаётган ҳамда фаолиятини вақтинча тўхтатган субъектлар фаолияти тикланиши ва кенгайтирилиши.

Ушбу тизимни жорий қилишда асосий эътиборни барча солиқларни минимал харажатлар билан максимал даражада тўлиқ ва ўз вақтида тўланишига эришишга қаратиш лозим.

Солиқ маъмуриятчилигини амалга оширишда ҳар бир маҳаллага солиқ инспекторлари бириктирилганлигини инобатга олган ҳолда, ҳудудларнинг салоҳиятидан келиб чиқиб, бошқарув ходимлари сонини камайтириш орқали ҳудудлараро солиқ инспекциялари ташкил этилиши мақсадга мувофиқдир.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Солиқ маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида: Ўзбекистон Республикасининг Президентининг 2017 йил 18 июл ПФ-5116-сонли Фармони. [WWW.Lex.uz](http://WWW.Lex.uz)
2. Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 июл ПҚ-4389-сонли Қарори. <https://lex.uz/>
3. 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январ ПФ-60-сон Фармони. <https://lex.uz/>
4. Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июн ПФ-5468-сон фармони. <https://lex.uz/>

5. Романова И.Б. Налоговое Администрирование. – Ульяновск, 2018.
6. Ногина О.А. Нологовый контроль: вопросы теории. – СПб: Питер, 2002.
7. Абрамчик Л.Я. Налоговое администрирование в системе финансового контроля. //Финансовое право, 2005. – №6 – С.12.
8. Перонко И.А. Налоговое администрирование //Налоговый вестник, 2000. – №10. – С.33
9. Ибрагимов Б. (2022) Солиқ маъмуриятчилиги ва унинг назарий-хуқуқий масалалари //Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar (Economics and Innovative Technologies) ilmiy elektron jurnali, 2022. – Б. 331.
10. Бабаев Ф. Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш масалалари хусусида <https://maqola.reandpub.uz/category/konferensiya/>
11. Абдуллаев Ж. Солиқ тизими муаммолар ва истиқболлар. [https://www.norma.uz/raznoe/soliq\\_tizimi\\_muammolar\\_va\\_istiqbollar](https://www.norma.uz/raznoe/soliq_tizimi_muammolar_va_istiqbollar)